

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎСМИРЛАР ХУЛҚ-АТВОРИНИ НАМОЁН БЎЛИШИННИГ ИЖТИМОИЙ –ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

Ғаниева Халимахон Ахматхоновна

*Фарғона давлат университети, Психология кафедраси доценти.*

Мухаммаджонов Шерзод

*Психология йуналиши 1-курс магистри*

**Аннотация:** Мақолада таълим-тарбия жараёнида ўсмирларнинг хулқ-атворида намоён бўладиган ижтимоий-психологик омиллар назарий ҳамда амалий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Ўсмир, хулқ-атвор, таълим-тарбия, тарбияси «қийин», психологоик дезадаптация.

Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг муваффақияти – уларнинг ёш ва психологоик ҳусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида ҳусусияти бўлиб, у кўпроқ шу даврга тааллӯқлидир. Ўсмирлик даврини ўтиш даври деб юритадилар, чунки ана шу даврда болалиқдан катталик ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. У психик жараёнларнинг ўқувчи фаолиятларининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат шаклларида фаолиятни ташкил қилишда қатъий ўзгаришларни талаб қиласди. Ўсмирларга таълим-тарбия бериш ишларида гоҳо учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик ривожланиш қонуниятларини ва ҳусусиятларини баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайдо бўлади. Бу давр тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки боланинг катта одамга айланиш жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган муносабат шаклларининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Агар боланинг болалик чоғида унга одоб – аҳлоқ ўргатишни эски шакл ва усусларидан фойдаланилган бўлса, энди улар бола учун яроқсиз бўлиб қолади. Аввал болалар ота-оналари, тарбиячиларининг одоб-аҳлоқ ҳақидаги гапларини бажонидил эшитган бўлсалар, эндилиқда бундай таъсир болани зериктиради ва ёқмай қолади. Натижада унда катталарнинг фикрларига қарши чиқиш ва рад этиш каби ҳислатлари пайдо бўла бошлайди. Булар эса бу даврнинг “қийин”, “мураккаб” давр бўлишига сабаб бўлади.

Ўсмирларга таълим-тарбия беришдаги қийинчиликлар шундан иборатки, бунда ўсмир билан бўладиган муносабатларда унинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш шаклларини ўзгартириши муҳимдир. Уларга таъсир қилишнинг қандайдир янги

усуллари ва воситаларини топиш лозим бўлади. Бунда албатта, педагоглар асосий таълим-тарбия берувчи сифатида ҳар бир ёш билан алоҳида муносабатда бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Педагог жамият ҳётида етакчи ўрин тутувчи, мураккаб шахс структурасига эга бўлган инсоннинг касбий қиёфасидир. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг заминида унинг меҳнатининг натижалари ётади. Педагогларнинг педагогик, психологик тайёргарлиги ва билимлар интеграцияси, мумомала маданияти, психологик вазиятларни эътиборга олиш кабилар кучли бўлиши керак. Юксак савияли, зўр маҳоратли тарбиячиларгина халқ орзусидаги баркамол инсонни тарбиялайди. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. А. Авлоний айтганлариdek: *"Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, порлок келажаги, раҳбари, најотига айланган"*. Илм инсон учун ғоят олий ва мұқаддас фазилатдир. Шунинг учун аввалам бор илмли, тарбияли бўлмоқ ҳар бир ёш инсоннинг бурчи. Шу мақсадда кўнглида энг олий орзуларни жамлаб, педагог тер тўкиб ишлайди. Уларнинг меҳнатини ҳурмат қилиб, берган билимларни эгалламоқ керак. **Беҳбудий** айтганлариdek: *"Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир"*. **Ибн Сино** таъкидлаганидек *"Кимга қандай панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил"*.

Ўсмирларнинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлаш мақсадида М.К.Акимова, Э.М.Борисова, В.Т.Козлова, Г.П.Логиновалар томонидан ишлаб чиқилган Мактаб ақлий тараққиёт тести (MATT) методикаси ва ушбу методикадан олинган натижаларга таққослаш мақсадида Калифорния университетининг тезкор интеллект тестлари қўлланилди.

Мактаб ақлий тараққиёт тести (MATT) методикаси бўйича ўртача арифметик қиймати Экстроверт типидаги респондентларда 89,3 баллни ташкил қилди. Амбоверт типидагилар 91,4 баллни, Интроверт типли респондентлар эса 88,3 балл натижа кўрсатишиди.

Тезкор интеллект тести бўйича олинган натижаларнинг ўртача арифметик қиймати экстроверт типидаги респондентларда 15.4 баллни ташкил қилди. Амбоверт типидагилар 15.2 баллни, интроверт типли респондентлар эса 13.2 балл натижа кўрсатишиди.

Мактаб ақлий тараққиёт тести натижаларини юқоридаги кўрсаткичлар бўйича, ўғил болалар ва қизларни натижалари билан қиёсий таҳлил қилинадиган бўлинса, у қўйидаги жадвал кўринишида бўлади.

#### 1-жадвал

Натижалар кўрсаткичи	0-28 баллар	28-55 баллар	55-83 баллар	83-111 баллар	111-138 баллар
----------------------	-------------	--------------	--------------	---------------	----------------

Интеллект даражалари	Паст даражали интеллект		Үртачаданпа ст интеллект		Үртача интеллект		Үртачаданю қори интеллект		Юқори интеллек	
Шахс типлари	Ү	Қ	Ү	Қ	Ү	Қ	Ү	Қ	Ү	Қ
Экстроверт	-	-	-	-	2	1	5	7		
Амбоверт	-	-	-	-	2	2	4	16	1	
Интроверт	-	-	-	-	1	2	3	4		
Жами типлар бүйича	-	-	-	-	5	5	12	27	1	
Фоизи					7.7 %	5.6%	66.6%	84.4%	5.5 %	

Юқоридаги жадвалдан күриниб турибдики, биринчи даражада бүйича синалавчилар 0% га teng. Иккинчи даражада ҳам 0 %. Учинчи даражада ўғил болалар 27.7% ни, қизлар ҳам 15.6% күрсаткичлари бўлиб, тўртинчи даражада бүйича, ўғил болалар 66.6% ни, қизлар 84.4ни ташкил қилди. Бешинчи даражада бўлса фақат биргина ўғил бола 5.5% ни ташкил қилди. Умумий хулоса қиласиган бўлсак, ўғил болаларга нисбатан қизларнинг ақлий тараққиёт даражаси юқорилигини айтиш мумкин.

**Тезкор интеллект тести натижалари юқоридаги кўрсаткичлар бүйича, ўғил болалар ва қизларни қиёсий таҳлил қилинадиган бўлинса, у қуидаги жадвал кўринишида бўлади.**

## 2-жадвал

Натижалар кўрсаткичи	0-2 баллар		3-9 баллар		10-14 баллар		15-17 баллар		18-19 баллар	
Интеллект даражалари	Паст даражада интеллект		Үртачаданпа ст интеллект		Үртача интеллект		Үртачадан юқори интеллект		Юқори интеллек	
Шахс типлари	Ү	Қ	Ү	Қ	Ү	Қ	Ү	Қ	Ү	Қ
Экстроверт сони	-	-	-	-	3	1	4	6	-	1
Амбоверт сони	-	-	-	-	2	4	4	11	1	3
Интроверт сони	-	-	-	-	4	5	-	1	-	-
Жами типлар бүйича	-	-	-	-	9	10	8	18	1	4
Фоизи					50%	31.2%	44.4%	56.2%	5.5%	12.5%

Юқоридаги жадвалдан күриниб турибдики, биринчи даражада бүйича синалавчилар 0% га teng. Иккинчи даражада ҳам 0 %. Учинчи даражада ўғил болалар 50% ни, қизлар эса 31.2% , тўртинчи даражада бүйича, ўғил болалар 44.4%

ни, қизлар 56.2%ни ташкил қилди. Бешинчи даражада бўлса фақат биргина ўғил бола 5.5% ни, қизлар 12.5% ни ташкил қилди. Умумий хулоса қиласиган бўлсак, ўғил болаларга нисбатан қизларнинг ақлий тараққиётининг даражаси юқорилигини айтиш мумкин. Уларнинг бундай натижага эришганларини сабаби, саволлар берилганда кўрсатма олиш жараёнида фақат экспериментатор эмас, балки гуруҳдошлари фикрларига таянганликлари кузатилди. Суҳбат жараёнида эса уларнинг бошқалар фикрларидан унумли фойдаланишлари яққол намоён бўлганлиги ўрганилди.

Халқимизда тарбиячилик санъати қадимдан жуда юксак даражада ривожланган. Шарқ мутафаккирлари, педагог олимлари баркамол инсонни етиштириш учун таълим билан бирга тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳиятини ва мазмунини асослаб берганлар. Улуғ олим **Арасту**, “Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъоддга, илмга ва машқга” деган эди.

Таълим-тарбия жараёни онгли, масъулиятли фаолият бўлиб, унда педагог ёшларни комил инсон қилиб етиштиришда унга ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши, тарбиявий тадбирларни ўқувчиларнинг, айниқса, ўтиш даврида бўлган ўсмирларни руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштириши, тарбиявий ишларни самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориш лозим.

“Ҳар бир шахснинг феъл-атворида, хатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, ҳудуд, профессионал тоифа, меҳнат қиласиган жамоаси, яқин атрофдаги муқим гуруҳи, оиласининг таъсиридан пайдо бўлган сифатлари ва хусусиятлари бўлади”<sup>25</sup>.

Ўсмирларнинг психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар, уларнинг фаолиятлари туғдирган янги эҳтиёжлар билан бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама – қаршиликларнинг юзага келиши ва бартараф қилинишидан иборатdir. Бу қарама- қаршиликлар ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва аҳлоқий имкониятлари билан уларнинг эски, илгари таркиб топмаган олам билан ўзаро муносабат шакллари, улар фаолиятининг эски қарама-қаршиликлар, жамият, катталар ва жамоа томонидан ўсмирга нисбатан ортиб бораётган талаблар билан ўсмирлар реал хатти-ҳаркатларининг шакллари ўртасидаги қарама-қаршиликларdir. Бу қарама-қаршиликлар анча юксак даражадаги психик тараққиётни, анча мураккаб шаклдаги фаолият турларини ва шаклнинг қатор янги психологик сифатларини таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Бунинг натижасида ўсмирнинг психик тараққиётининг янада юксакроқ босқичга ўтиши амалга оширилади.

<sup>25</sup> Каримова В., Миллий истиқол ғоясини таълим жараёнига жорий этишнинг педагогик ҳамда психологик асослари. – Т.: “ЎАЖБНТ” Маркази, 2002, 171 б.

Ўсмир шахсининг шаклланиши қийин психологик жараёндир. Бу тузилиш ўсмир эҳтиёжларининг йўналганилиги билан унинг эмоционал-иродавий хусусиятларига боғлиқдир. Хулқ үзгаришлари ўсмирнинг қизиқишлари йўқолиб, эҳтиёжлари камайганда, олдин уни қизиқтирадиган нарсага бефарқ бўлиб қолганда, мақсадлари йўқолганда ўз хулқ-атворини бошқара олмаганда, ўзининг имкониятларини адекват баҳолай билмаганда юзага келади.

Тарбияси «қийин»лик ва у билан боғлиқ хулқ-атвор бузилишларининг вужудга келиш жараёни: маданий (М. Мид, Э. Фромм), иқтисодий (Г. Кайзер, Б. Холист, Г. Шнайдер), ижтимоий (С.Д. Арзуманян, Н.П. Дубинин, В.Н. Кудрявцев, J.D. Douglas, F. Waksler), саломатлик (М.И. Буюнов, П.Б. Ганушкин, А.И. Захаров, И.И. Ковалев, З.Ф. Камалетдинова, В.Т. Кондрашенко, Е.Р. Калитеевская, А.Е. Личко), ижтимоий-психологик (М.А. Алемаскин, С.А. Беличева, Л.И. Божович, Г.Г. Бочкарёва, А.И. Долгова, Я.Л. Коломинский, В.М. Каримова, М.Н. Овчинникова, Н.В. Морозова, Т.В. Сенко, Д.И. Фельдштейн, Э.Ф. Фозиев), педагогик (А.С. Белкин, Н.Н. Верцинская, Л.С. Виготский, М.Г. Давлетшин, Э. Натанзон, И.А. Невский, А.И. Островский, А.Е. Тарас) каби кенг қамровли таъсирлар оқибати эканлиги аниқланган. Шунингдек, бир қатор психологлар (М.А. Алемаскин, Н.В. Жутикова, Л.М. Зюбин, И.С. Кон, И.А. Фурманов) салбий хулқ сабабларини таҳлил қиласар эканлар, унинг олдини олиш ва тарбиявий чора-тадбирларни ташкил қилишда психологик омилларнинг аҳамиятига муҳим ўрин берадилар.

Муаммонинг назарий таҳлили кўрсатишича, қайд этилган хулқ бузилишларининг асосини ижтимоий ва психологик дезадаптацияга олиб келувчи «оғиши»лар ташкил этади. Бу биринчидан, ўсмир шахсининг мотивацион, эмоционал, иродавий ва аҳлоқий жабҳаларидаги үзгаришлар (Г.Г. Бочкарёва, Б.С. Братусь, В.В. Лебединский, Л.С. Славина, А.С. Спиваковская); иккинчидан, ногармоник оиласавий тарбия (А.А. Аладъин, П.Ф. Лестгафт, А.Е. Личко, Я.А. Лупъ-яп, Э.Г. Эйдемиллер, В.В. Юстыцкий) эканлиги ўз исботини топди. Ҳозирги замонда турли ёш даврларига хос хулқ бузилишларининг психопрофилактикаси ва коррекцияси хусусияти масаласига ойдинлик киритишга эътибор ҳаддан зиёд ортган. Буларга: а) шахсиятлилик тизим үзгаришларининг (В.Т. Кондрашенко, К. Леонгард, А.Е. Личко, И.А. Фурманов), б) ривожланишдаги функционал оғишиларнинг (Л.С. Выготский, Г.Т. Запрягаев) коррекциясига бағишлиланган изланишларни келтириб ўтиш мумкин.

Замонавий психология фанида ушбу муаммога бағишлиланган психоаналитик (З. Фрейд), фрустрацион (Ж. Доллард ва бошқалар), ҳамда бихевиористик (А.Бандура, Л.Беркович) тадқиқотларнинг ўрни ҳам салмоқлидир. Аммо, бизнингча, тарбияси «қийин» ўсмирларнинг патологик хулқ механизмлари, мазкур «қийин»лик таснифига асосланган типологиянинг моделини яратиш долзарб муаммолигича қолмоқда.

Ўсмирик ёшининг классик тадқиқотига назар солсак унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигининг гувоҳи бўламиз.

Ўсмирлик ёшига хос ёрқин психологик концепциялардан бири XX-асрнинг бошларида Л.С.Выготский (1930) томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда мазкур ёш симптоматикаси ўсмир психологиясидаги барқарор ва тарихий ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепцияларнинг интерпретацияси берилган.

Л.С.Выготский ўтиш даврига хос қизиқишлиар муаммосини атрофлича ўрганиб буни “Ўсмирнинг психологик ривожланишидаги муаммоларни ҳал қилишнинг ягона калитидир” – деб изоҳлайди. Ўсмилик ёши эски қизиқишиларнинг бузилиши ва йўқолиши ҳамда янги биологик асосга эга янги қизиқишиларнинг вужудга келиши даври ҳисобланиб унда бир неча ёрқин қизиқишлиар мавжуд бўлиб, уларни доминант қизиқишлиар деб атади. Улар: эгосентрик, яъни ўз шахсига қизиқиш, келажагига қизиқиш, яъни бугунги куни эмас, балки узоқни кўра билишга қаратилган установка; зўр бериш (ҳаракат), яъни қайсарликка асосланган иродавий зўриқиш, тарбия усусларига қаршилик кўрсатишдан иборат салбий ҳаракатлар, ҳаёлпарастлик, яъни ўсмирнинг саргузаштларга бой, турли қаҳрамонликлар кўрсатишга интилишлари билан боғлиқ таваккалчилигидан иборат.

Л.С.Выготский ҳам ўсмилик давридаги тафаккур ривожланиши тушунчаларини ўзлаштириш асосига кетишини ва ўсмир тафаккури субъектив шаклга эга бўлиб, ўзгалардан “Сир” тутиладиган интим жабҳаларга қаратилишини ҳамда ўсмир шахсининг ички ўзгаришларини қамраб олувчи рефлексия ривожланиши, яъни ўзлигини англашдек янгиланишлар рўй беришини қайд этади. Ушбу психологик янгиланишлар ўсмирнинг мотивацион тизимида маълум салбий реакциялар қўзғатиб ички ва ташқи низоларни келтириб чиқаради ҳамда тарбияси қийинлик кўрсатгичига айланади. Жумладан,

- ўсмир шахсидаги асосий янгиланишлардан бири “Катталик ҳисси” ўсмирнинг ўзи ҳақида “энди кичкина эмасман” тасаввурининг шаклланишига сабаб бўлиб, унинг қондирилмаслиги атрофдаги катталар билан турли низоларнинг туғилишига турткидир.

- ўсмир шахси янгиланишларидан яна бири, ўсмир фаолияти ва хулқини аниқловчи, ўзини-ўзи баҳолаш эҳтиёжи бўлиб, унинг қондирилмаслиги ўсмир ва ўқитувчи муносабатлари доирасида “маънавий тўсик” вужудга келишини таъминлайди, муайян ноадекватлик аффектини кучайтиради.

- ўсмир шахсининг йўналганлик белгиси сифатида унинг мативацион – эҳтиёж доирасидаги барқарор эҳтиёж ва мотивларнинг мустаҳкамланиши ҳисобланади. Унинг етарли даражада доминантликка ўсиб ўтмаслига баъзан аҳлоқий хулқ мотивларининг шаклланмаслигига олиб келади.

- ўсмирнинг жамоада (синфда, оиласда ва ҳ.к) ўзининг аниқ ўрнига эга бўлишга интилиши ҳам мазкур ёш янгиланишларидан бири бўлиб, унинг қондирилмаслиги ўсмирда “мен ва гурух” муносабатларидан “кўча” микромуҳитини танлаш имконияти

учун замин яратади ва ўқишдаги, синф жамоасидаги, реал ҳаётдаги барча мувоффақиятсизликлар ўрнини қопловчи “улфатлар гуруҳи”нинг аъзосига айлантиради ва унда янгича фаолият бошланади.

Ўсмирларни тарбиялашда улар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ўсмир билан индивидуал муносабатда бўлишда ҳар бир ёшни индивидуаллигининг физиологик асосини ва унинг шахси ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги И.Павлов таълимотини билиш ўқитувчиларга ёрдам беради.

1.Нерв системасининг кучи нерв хужайраларидаги моддаларнинг запас микдори билан белгиланади. Кучли типдаги асаб тизимида бундай запас кўп микдорда бўлиб, кучсиз типда оздир. Асаб тизимининг кучли қўзғалиши жараёнига, шунингдек тормозланиш қобилиятига акс таъсир этади.

2.Асаб тизимининг кучи тамоилига мувофиқ кучли типга сангвиниклар, флегматиклар, кучсиз типига эса, меланхоликлар киради.

3.Асаб тизимининг илдамлиги мия пўстининг тормозланиши билан ёки аксинча тормозланишнинг қўзғалиши билан нақадар енгил алмашинувидан иборат.

Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг пластик хусусиятга эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларга берилувчанигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий ҳислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилиши керак. Бу ўринда ёшларнинг ғоявий масалаларини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ўқувчи индивидуаллигини шахс мазмунига, яъни унинг қизиқишилари, идеалларини билиши керак. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишиларини билиш айниқса муҳим.

Ўсмирларнинг эмоционал-иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларга таълимтарбия беришда муҳим аҳамиятга эга. Ўсмир билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, мўминли ёки эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчаниги, яъни теварак атрофдагилардан фарқ этиш ёки фарқ этмаслигини, аффектга мойил ёки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олиш-олмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳимдир.

Ўсмирларнинг аҳлоқий ҳислатини ҳисобга олиш ҳам муҳим. Чунки, ўсмирларнинг ғоявий маслаги унинг аҳлоқий ҳислатида кўринади. Аммо, баъзан аҳлоқий маслак билан ўсмирларнинг хулқи тўлиқ равишда муносиб келмай қолади. Катталар ҳар бир ўсмирларнинг қанчалик ватарпарварлигини, меҳнатсеварлигини, қанчалик ҳурмат қилишини, қанчалик тўғрилигини ва виждонлилигини, ўртоқлик ва ҳамкорлигини қанчалик ҳис қилишини кўрсатиб билиб бориши зарур.

Салбий аҳлоқий ҳислатларга эга бўлган ёшларда қўполлик, ёлғончилик, безорилик, эгоизм, қайсаарлик, ўжарлик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармонлик кабилар киради ва бундай ҳислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш (жамоалар орасида тарбияланганда ҳам)да фақат уларга яккама-якка

ёндошиш лозим. Чунки, улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишлигини ёки тарбия, танбеҳ берадётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсенишни ёқтирмайдилар, улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлишликнигина талаб қилинади.

Ўсмирлар билан олиб борилган тадқиқот натижаларидан шу нарса аниқландики, расм чизиш орқали шахснинг ҳулқ-атвори ва структурасининг хусусиятлари ҳақида маълум бир маълумотни олиш мумкин. Яратилган образлар орқали бола ўз-ўзига атрофидагиларга баҳо беришга ҳаракат қилиш билан бирга ўз ижодий ҳаёлининг чексиз қирраларини намоён қилишга уринади.

“Мавжуд бўлмаган ҳайвон” расмини чизиш орқали —Мен образини, ўз-ўзини баҳолаш, ўз имкониятларини аниқлаш, баъзи бир шахсда юз берадётган муаммоли масалаларни ҳал қилишда самарали натижаларни олиш мумкин. Ўқувчиларимизнинг ақлий имкониятларини ҳисобга олиш билан бирга уларнинг ижодий имкониятларини кўриш, улар иқтидорига баҳо бериш мақсадида биз Фарғона шаҳридаги З-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиларига мавжуд бўлмаган ҳайвон расмини чизишни таклиф қилдик. Ушбу топшириқни ўқувчилар қизиқиш билан қабул қилишиб, унга ижодий ёндашишди. Проектив методни таҳлил қилиш, ундан бирор бир натижа олишда диққат эътиборлилик, зийраклик ва синчковлик талаб этилади. Негаки, эътибордан четда қолдирилган ҳар бир детал шахс хусусиятини тўлиқ очиб берилмаслигини англаатади. Чизилган расмларни йиғиб олиб, уларни таҳлил қилиш асосида қўйидаги натижаларни олдик.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, чизилган ҳар бир детал маълум миқдорда шахс хусусиятини кўрсатади. Ушбу таҳлил натижасида ўқувчиларнинг 71,5 фоизида янги маълумот олишга интилиш, ўзи ҳақида айтилаётган информаяцияларга қизиқиш кучли эканлиги чизилган катта-катта қулоқлар, узун тиллар орқали намоён бўлган. Тананинг таянч қисмлари фаолиятнинг манбаидир. 77 фоиз ўқувчилар ҳайвонларнинг таянч қисмларини қатъий ва мукаммал чизганлар, бу эса ўқувчиларнинг олаётган маълумотлари ва билимларига қатъий ишонч мавжудлигидан, уларни ўйлаб, чуқур фикрлаб иш кўришларидан далолат беради.

Респондентлар чизган расмларнинг 64,5 фоизида қанотлар, патлар, чиройли элементлар тасвирангани, бу улардаги иқтидор, қобилият ва қизиқишларнинг мавжудлигини кўрсатади. 81,5 фоиз ўқувчиларда ҳайвон расмини чизишда жуда кўп қўшимча, чизиқлардан, штрихлардан фойдаланганлар. Бу эса ушбу ўқувчиларда хавотирланиш даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

“Мавжуд бўлмаган ҳайвон” методикасига чизилган расмларни кўриб чиққанимизда баъзи бир расмларда ҳайвонлар ўткир найзалар, ханжар, ўткир нишлар билан тасвирилаган, яъни ўқувчиларда ўз-ўзини ҳимоя қилиш, катталарнинг танбеҳларига дуч келмаслик, агрессивлик хислатлари мавжуд экан. Деярли барча респондентларнинг расмларида ҳайвон ҳақида маълумот деталлари мавжуд бўлиб,

бу уларнинг умумий ишчанликларини аста-секин ортиб боришидан ва жамиятдаги мақеини англаб бораётганилигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мүмкинки, бугунги кунда ўқувчилардаги аҳлоқий фазилатларини шакллантириш, атрофдагиларнинг манфаатлари учун ҳаракат қилиш, ўз фаолият даражасини аҳамиятли эканлигини ҳис қилиш ўсмирлар психологиясида ўзгариш рўй бераётганилигидан дарак беради. Ўсмирларнинг ҳатти-ҳаракатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда маъсулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш керак. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишлигини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айни муддаодир. Уларга кичик жамоани, спорт секциясини, Тирик бурчакни бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл – авторни камайтириш мумкин.

Ўсмир ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўқув муассасаси, жамоат ташкилотлари, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида бўлмоғи шарт. Токи ўз-ўзини тарбиялашнинг такомиллаштириш жамоада муносиб ўрин эгаллашга, ижтимоий бурчни англаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ишига хизмат қилсин. Ўз-ўзини тарбиялашни тўғри изга солиб юбориш учун уйғун бирликни ташкил этган тарбиявий чора-тадбирлар мажмуаси тарзида таъсир ўтказиш жамоа мажбурияти, ўзаро ёрдам ва назорат қилиш, ўзаро баҳолаш ва танқид қилиш кабилар мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий турмушда учрайдиган баъзи бир ярамас юриш-туриш кўринишларига, иллатларига, сарқитларига қақшатқич зарба бериш, уларнинг таъсиридан йигит ва қизларнинг асраш, ёт ғоялар ташвиқот мохиятига қарши кураш олиб бориш педагоглар жамоасининг бош вазифасидир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Э.Ф. Фозиев.“Онтогенез психологияси” Т.2010 й. 186,193 бетлар.
2. Э.Ф. Фозиев. “Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш” Т.1998 й. 27бет.
3. Г.Қ.Тўлаганова. Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси. Т.Университет. 2005 й.51бет.
4. Рогов. Е.И. Настольная книга практического психолога. М.: 2004 г.451стр.
5. Кайқовус "Қобуснома". Т. 1993. 69 бет.
6. Axmatxonovna, G.A. X., & Iqboljon o'g'li, T.J. (2022). TALABA YOSHLARNING OILADA FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI ZAMONAVIY TUSHUNCHALARINING PSIXOLOGIK TAHLILI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSİYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 600-606.
7. Ganieva, H. (2021). Social And Psychological Mechanisms Of Self-consciousness Of Students. European Scholar Journal, 2(4), 190-193.

8. Akhmatkhonovna, G.K. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GENIOLOGY ASSIGNMENT IN YOUNG PEOPLE. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 335-337.
9. Akhmatkhonovna, G.K., & Jamshid, T. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SUICIDAL BEHAVIOR OF MINORS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 1053-1058.
10. Абдукаримова, Н.У., Ганиева, Х.А., Сафарова, Г.М., & Муйдинова, Ё.Г. (2020). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИМФОИДНЫХ УЗЕЛКОВ (ПЕЙЕРОВЫХ БЛЯШЕК) ТОНКОЙ КИШКИ В ОНТОГЕНЕЗЕ. *Universum: медицина и фармакология*, (2-3), 20-25.
11. Абдукаримова, Н.У., Ганиева, Х.А., Сафарова, Г.М., & Муйдинова, Ё.Г. (2020). Морфометрическая характеристика лимфоидных узелков (пейеровых бляшек) тонкой кишки в онтогенезе. *Universum: медицина и фармакология*, (2-3 (66)), 4-4.
12. Ахматхоновна, F.X., Тожимаматов, Ж., & Ўзбекистон, Ё.Я. (2021). янги Ренессанс бунёдкорлари. Ёшлар–янги Ўзбекистон, янги ренесанс бунёдкорлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари, 321-323.
13. Ахматхоновна, F.X. (2021). Талаба ёшларнинг ўз-ўзини англашини ижтимоий психологик механизмлари. *ЎзМУ ХАБАРЛАРИ*, 46-49.
14. Akhmadkhonovna, K.G., Rustamovna, A. A., & Saydolimovna, Z. D. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(3).
15. Ganieva, K.A. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSİYALAR VA İLMİY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 607-613.
16. Ahmadjonov, N. (2023). KICHIK MAKTAB YOSHIGAGI O 'QUVCHILARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5), 166-172.
17. Ahmadjonov, N. (2023). KICHIK MAKTAB YOSHIGAGI O 'QUVCHILARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5), 166-172.
18. Ganieva, K.A. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSİYALAR VA İLMİY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 607-613.
19. Ганиева, Х.А., & Закирова, Д. С. (2022). ЎСМИРЛАРДА ХАРАКТЕР АКЦЕНТУАЦИЯСИ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(4), 548-553.
20. Ахматхоновна, F.X. (2022). ШАХС ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(5), 89-95.

21. Ganieva, K. Iqboljon O'g'li, TJ (2022). Social psychological characteristics of the dysfunctional family. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(7), 71-75.
22. G'Aniyeva, X., & Tojimamatov, J. (2022). TALABA YOSHLARNING OILADA FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI ZAMONAVIY TUSHUNCHALARINING PSIXOLOGIK TAHLILI. *Science and innovation*, 1(B7), 517-523.
23. Ganieva, K., & Tojimamatov, J. (2020). THE ATTITUDE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF MENTAL HEALTH OF PERSON. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 87-89).
24. G'Aniyeva, X.A., & Qambarova, M.A. Q. (2023). INTELLEKTUAL SALOHIYATLI YOSHLARNI TARBIYALASHDA O 'QITUVCHI IJTIMOIY INTELLEKTINING AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(3), 449-454.
25. Pulatova Gulnoza, Toshboltaeva Nodira, //Conflict logical Competence of the Teacher as A Condition for Positive Interaction in the Educational Environment// *Eurasian Journal of Research, Development and Innovation*. Volume 14 | November, 2022. 14-17 pages.
26. Пулатова, Г. (2021). Theoretical analysis of the study of the phenomenon of bilingualism. *Общество и инновации*, 2(6/S), 200-204.
27. Pulatova, G.M. (2020). WAYS TO INFLUENCE THE CHILD'S PSYCHE THROUGH FAIRY-TALE THERAPY. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 368-371).
28. Pulatova, G., & Muhammadjonov, J. (2023). 5-6 YOSHLI MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA ERTAK VA MAQOLLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. *Евразийский журнал академических исследований*, 3(5 Part 3), 48-58.
29. Gulnoza, P., & Nodira, T. (2022). Conflict logical Competence of the Teacher as A Condition for Positive Interaction in the Educational Environment. *Eurasian Journal of Research, Development and Innovation*, 14, 14-17.
30. Nodira, T., Shoxista, M., Gulnoza, P., Yoqutkhon, K., & Mohinur, D. (2022). Exploring the development of creative thinking in small school students. *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE)*, 14(02), 5701-5707.
31. Пулатова, Г. (2021). Билингвизмни комплекс үрганишдаги ёндашувлар. *Общество и инновации*, 2(4/S), 769-775.
32. Pulatova, G., & Mamajonova, S. (2020, December). DEVELOPING CHILDREN'S SPEECH IN A FOREIGN LANGUAGE THEORETICAL ANALYSIS. In *Конференции*.
33. Ro'zimatjon, A., & Gulnoza, P. (2022). SHAXSNING SHAKLLANISHIDA STRESS MUAMMOSI VA TURLARI. *SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 5(2), 134-137.
34. Murodilovna, P.G. (2022). AGE CHARACTERISTICS OF SPEECH AND COMMUNICATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(2), 520-523.

35. Пулатова, Г. (2021). Теоретический анализ изучения феномена билингвизма. *Общество и инновации*, 2(6/S), 200-204.
36. Makhliyo Bakhtiyorovna Yuldasheva, Nodira Ibrokhimjanovna Toshboltaeva, Gulnoza Murodilovna Pulatova, Shokhista Kamoldinovna Mamajonova, Yokutkhon Urinbaevna Karimjanova // Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 14552 – 14558.
37. Toshboltayeva Nodira, Mamajonova Shoxista, Pulatova Gulnoza, Karimianova Yoqutkhon, Djalolova Mohinur //Exploring the development of creative thinking in small school students// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE). Vol 14, Issue 02. 2022. 5701-5707 pages.
38. Pulatova Gulnoza, Toshboltayeva Nodira, //Conflict logical Competence of the Teacher as A Condition for Positive Interaction in the Educational Environment// Eurasian Journal of Research, Development and Innovation. Volume 14| November, 2022. 14-17 pages.
39. Eleonora Topvoldievna Mirzajonova, Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva //Modern Special Preschool Education: Problems and Solutions// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. Vol. 9. 06-2022. 100-106 pages.
40. Mirzajonova, E.T. (2023). O 'SMIR YOSHDAGI O 'QUVCHILARDA AXBOROTDAN FOYDALANISH MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING ILMUY NAZARIY ASOSLARI. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(3), 660-669.
41. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, Eleonora Topvoldievna Mirzajonova //The role of psycho-oncology in the treatment of cancer patients// Texas Journal of Medical Science. 18-06-2022. 14-17 pages.
42. Eleonora Topvoldiyevna Mirzajonova, Dostonbek Muxtarjon o'g'li Masharipov //INKLYUZIV TA'LIM OLAYOTGAN BOLALARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARINI PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK O'RGANISH// INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM: a collection scientific works of the International scientific conference 25 th March, 2023. Washington, USA: "CESS", 2023. Part 28. 192-199 pages.
43. Pulatova, G., & Muhammadjonov, J. (2023). 5-6 YOSHLI MAKTABGACHA YOSHDAG'I BOLALARNING NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA ERTAK VA MAQOLLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. Евразийский журнал академических исследований, 3(5 Part 3), 48-58.
44. Пулатова, Гулноза //Theoretical analysis of the study of the phenomenon of bilingualism// *Общество и инновации* 2.6/S (2021): 200-204.
45. Pulatova, G.M. //WAYS TO INFLUENCE THE CHILD'S PSYCHE THROUGH FAIRY-TALE THERAPY// *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества*. 2020.